



## ЎЗБЕКИСТОНДА ФОНД БОЗОРИ ИНДЕКСИГА ИККИЛАМЧИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

*Рўзиқулов Абдимўмин Куссам ўғли*  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Ушбу мақолада фонд бозорини индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви, иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сони ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозор айланмаси таъсирини баҳолашда авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) модели тадим этилган. Шу билан бирга, фонд бозори индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор айланмаси ўзгариши ўртасида узоқ ва қисқа муддат боғланишлари эконометрик таҳлил асосида баён қилинган.

**Калит сўзлар:** фонд бозори индекси, иккиламчи бозор, қимматли қоғозлар бозор айланмаси, авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL), қимматли қоғозлар бозори битимлари.

## ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ОЦЕНКИ ВЛИЯНИЯ ВТОРИЧНОГО РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ НА ИНДЕКС ФОНДОВОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА

*Рузикулов Абдимумин Куссам угли*  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В этой статье представлена модель авторегрессии с распределенным лагом (ARDL) для оценки влияния капитализации вторичного фондового рынка, количества сделок на вторичном фондовом рынке и оборота вторичного фондового рынка на индекс фондового рынка. При этом на основе эконометрического анализа описываются долгосрочные и краткосрочные связи изменения рыночного оборота вторичных ценных бумаг с индексом фондового рынка.

**Ключевые слова:** индекс фондового рынка, вторичный рынок, оборот фондового рынка, авторегрессионный распределенный лаг (ARDL), сделки на фондовом рынке.

## ECONOMETRIC ANALYSIS OF ASSESSING THE IMPACT OF THE SECONDARY SECURITIES MARKET ON THE STOCK MARKET INDEX OF UZBEKISTAN

*Ro'ziqulov Abdumo'min Qussam ugli*  
Tashkent state university of economics

**Abstract.** This paper presents an autoregressive distributed lag (ARDL) model to estimate the impact of secondary stock market capitalization, number of trades in the secondary stock market, and secondary stock market turnover on the stock market index. At the same time, based on econometric analysis, long-term and short-term connections between changes in the market turnover of secondary securities and the stock market index are described.

**Keywords:** stock market index, secondary market, stock market turnover, autoregressive distributed lag (ARDL), stock market deals.

### **Кириш.**

Бугунги кунда, капитал бозорининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг капиталлашуви니 2023 йил якунига қадар 45 трлн сўмга етказиш, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизмини яратиш мақсадида “Тошкент” РФБни чуқур таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб масаласидан бири ҳисобланди. Мамлакатимизда фонд бозорини маълумотлари асосида эконометрик моделлар асосида таҳлил қилинмаслиги капитал бозори билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш қарорларини қабул қилишга қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Ривожланган мамлакатларга назар ташласак, фонд бозоридаги муаммоларни келажакдаги ҳолатларини аниқлашда эконометрик моделлардан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, бугунги кунда кўпгина ривожланган мамлакатлар авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL estimation) моделидан фойдаланган ҳолда фонд бозоридаги тенденцияларни аниқлашга ва муаммоларни ҳал қилишга фойдаланилмоқда. Афсуски, бизда ҳанузгача эконометрик моделлардан фойдаланмаслик бугунги кунининг энг долсарб масалаларидан бири ҳисобланди.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Фонд бозорини индексига иккиласми қимматли қофозлар бозорини таъсирини кўпгина хорижлик олимлар тадқиқот олиб борганлар. Хусусан, Манамани Саху илмий ишланишига кўра, COVID-19 касаллигининг Ҳиндистон капитал бозоридаги турли бозор индексларига таъсирини ўрганади. Унинг тадқиқотида бозор индекс ўзгаришига COVID-19 касаллигининг ҳафталик ва кунлик таъсирини таҳлил қиласди, хусусан OVID-19 касаллиги даврида душанба кунлари учун юозор индекси салбий ўзгаришда эканлигини аниқлаган. Шунингдек, иккиласми фонд бозор таъсири ҳам ўрганилган (Manamani Sahoo, 2021). Хорижлик иқтисодчи олимлардан Малика Нейфарнин илмий изланишида акция баҳоси ва макроиқтисодий ўзгарувчилар ўртасидаги узоқ ва қисқа муддатли боғланиши динамик қаторларда авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL estimation) моделидан фойдаланган ҳолда тадқиқот натиасида, макроиқтисодий ўзгарувчилар ва фонд бозоридаги акциялари нархлари ўртасидаги узоқ муддатли мувозанат мавжудлиги топади. Шунингдек, фонд бозори ахборот жиҳатидан самарасиз, чунки оммага очиқ макроиқтисодий маълумотлардан акциялар нарини башорат қилиш учун фойдаланиш мумкин (Neifar, Malika, 2021). Шунингдек, Кудакваше Звитарисе Джавангве ва Оливер Такавиралар тадқиқотида Жанубий Африкадаги фонд бозори ва валюта курси ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун ARDL модели фойдаланадилар. Бу эса, ўз навбатида, фонд бозори ва валюта курси ҳаракати ўртасида салбий боғланиш мавжудлиги кўрсатади. Уларнинг тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, фонд бозори ва валюта курси ўртасидаги узоқ муддатли боғланиш мавжуд, бироқ фонд бозори ва валюта курси ўзгариши, фоиз ставкаси ва инфляция ўртасидаги салбий юғланиш мавудлигини кўрсатади (Javangwe K. Z., 2022).

Жумладан, Пуджа Джоши ва Арун Кумар Гирилар илмий ишланишида ARDL (Autoregressive Distributed Lag) моделидан асосий макроиқтисодий ўзгарувчиларнинг фонд бозоридаги акциялар баҳосига таъсирини ўрганиш учун фойдаланилади. Тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, нефт нархи, инфляция ва акция баҳоси ўртасидаги узоқ муддатли салбий боғланиш мавжудлиги кўрсатди. Шунингдек, инфляция ва фонд бозорининг индекси ўртасида икки томонлама боғланиш таъсир сабаби мавжудлиги кўрсатади (Joshi P., 2015)

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотимизда “Тошкент” РФБнинг маълумотлари асосида иккиласми қимматли қофозлар бозорини капиталлашувини фонд бозори индексига таъсир қилувчи омилларнинг авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL estimation) ёрдамида эконометрик

моделлаштириш назарда тутилган. Фонд бозори индексининг ўзгаришига таъсири қилувчи омиллар қилиб қуидаги омиллар танланган. Фонд бозорини иккиламичи бозор капиталлашуви ҳажми, иккиламчи бозорини битимлар сони, иккиламчи бозор айланмасининг бозор индексини таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқотимизда ушбу омиллар мустақил ўзгарувчи қилиб иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини ўзгаришлари қилиб танланган, тобе ўзгарувчи эса, фонд бозори индексига таъсирини эконометрик модел асосида баҳоланди. “Тошкент” РФБнинг маълумотлари ойлик қилиб танланган бўлиб, маълумотлар базаси 2018 йилдан 2023 йилларни ўз ичига олади. Ушбу маълумотлар асосида фонд бозори индексига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланган иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини таъсирини мураккаб эконометрик усулларга асосланган авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) модели шакллантирилди. Биринчи бўлиб авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) модели Песаран ва Шиннинг (1996) тадқиқотларида эркли ва эрксиз ўзгарувчилариниг узоқ ва қисқа муддатда коинтеграциясини аниқлаш учун фойдаланилган. Йохансен ва Юзелиус (1990) коинтеграция тадқиқотидан фарқли равишда уларининг тадқиқотлари хар бир ўзгарувчиларининг узоқ муддата коинтеграциясини вектор кўрсаткичлари орқали аниқлашни кўрсатган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) модели хусусияти шундан иборатки, мустақил ўзгарувчилар билан тобе ўзгарувчилар ўртасидаги узоқ муддатли боғларишда ўзгарувчилар нолинчи айрима  $I(0)$  ва биринчи айрима  $I(1)$  бўлиши лозим. Авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) моделининг қулайлик тумонлари қуидагилардан иборатdir.

Биринчидан, Авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) модели регрессиядаги ўзгарувчиларнинг эндогенлик мuaоммосини ҳал қиласди. Чунки, ўзгарувчилариниг қолдиклари корреляцияни эркинлигини таъминлайди.

Иккинчидан, тобе ўзгарувчи билан мустақил ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни хар бири бўйича коинтеграциясини аниқлайди. Натижасида, эркли ўзгарувчили билан эндоген ўзгарувчиларининг боғлиқликдаги мuaоммоларни камайтиришни амалга оширади (Pesaran, Smith and other, 2001).

Учинчидан, ўзгарувчилар ўрачидаги боғлиқликларни кўп кординатли векторлар орқали коинтеграцияни аниқлашни имкони беради.

Тўртинчидан, авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) модели ўзгарувчиларининг ўртасидаги коинтеграцияни узоқ муддатли бўлиши билан бирга қисқа муддатда бўлишини ҳам аниқлай олади.

Тадқиқотдамизда “Тошкент” РФБнинг индексига таъсир қилувчи иққиламчи қимматли қоғозлар бозор омиллар орқали авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) моделини шакллантиришда қуидаги босқичларни амалга оширилди. Биринчи навбатда ўзгарувчиларнинг ягона илдиз тестини ўтказиш лозим. Мазкур эконометрик таҳлилимизни Песаран ва Шиннинг авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) модел орқали эркли ва эрксиз ўзгарувчиларнинг ўзоқ ва қисқа муддатли боғлиқлигини аниқлаш учун мазкур моделда таҳлил қилишни амалга оширилди. Ушбу моделни қулайлиги шундан иборатки, танланган ўзгарувчилар бир – бири билан узоқ муддатли ва қисқа муддатли боғланиш мавжудлигини ва келажакда қайси ўзгарувчиларни таъсири юқори эканлигини аниқлаш имконини беради. Авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) модел эконометрик таҳлилни амалга ошириш учун бирлик илдиз тестини орқали ўзгарувчиларнинг стационар ҳолати аниқланади. Авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) моделини асосчиси Песаран, Шин ва Смит назариясига асосан танланган ўзгарувчилар  $I(0)$  ва  $I(1)$  нолчи айрима ва биринчи айрима билан биргаликда коинтеграция мавжудлигини тадқиқотларида изоҳлаб берганлар. Тадқиқотимиздаги моделга асосан танлаган ўзгарувчиларнинг қуидагича белгалаб олинган. Эркли

ўзгарувчини ҳисобланган фонд бозорини индекси ( $mi$ ) ва эркисиз ўзгарувчиларни эса, иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви ( $smc$ ), иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сони ( $qmd$ ) ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозор айланмаси ( $ssmt$ ) қилиб белгиланган. Юқоридаги омиллардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотимизни эконометрик таҳлилни амалга ошириш учун биринчидан ўзгарувчиларни бирлик илдиз тестини (unit root test) амалга оширамиз (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Бирлик илдиз тести (unit root test)<sup>71</sup>

Ўзгарувчилар	Кенгайтирилган Дикки-Фуллер тести (ADF)		Филлипс-Перрон тести (PP)	
Нолинчи айрма				
	ўзгармас (constant)	тренд (trend)	ўзгармас (constant)	тренд (trend)
Lnmi	-5.588404***	-5.795947***	- 5.627872***	-5.869160***
Lnssmt	-5.102648***	-5.893931 ***	- 5.059180***	-5.748644***
Биринчи айрма				
$\Delta \lnsmc$	-9.440783***	-9.413329***	- 19.80107***	-28.12305***
$\Delta \lnqmd$	-10.74125***	-10.70038***	- 32.60302***	-33.48394***

\*\*\* 1% да статистик мұхимлигини,

\*\* 5% да статистик мұхимлигини,

\* 10% да статистик мұхимлигини құрсатады.

1-жадвалга асосланган ҳолда ўтказилған кенгайтирилған Дикки-Фуллер ва Филлипс-Перрон тестларидан күриниб турибдики, ўзгарувчилар  $\Delta \lnsmc$  I(1) ва  $\Delta \lnqmd$  I(1) бирламчи айрмада, яғни биринчи тартибда стационар,  $Lnmi$  I(0) ва  $Lnssmt$  I(0) нолинчи тартибда стационар ҳисобланади. Кенгайтирилған Дикки-Фуллер (1979) ва Филлипс-Перрон (1988) тестларини натижасининг ишончлилик даражасини 99 фоизда ишончли ҳисобланади. Чунки, таҳлил натижаси шуни құрсатады, барча ўзгарувчиларнинг статистик мұхимлиги 1% да ахамиятлы бўлиб, ишончлилик даражаси шунинг учун 99% ишончли ҳисобланади. ARDL моделнинг хусусиятига кўра, ўзгарувчилар нолинчи ва биринчи тартибда стационар бўлиш лозим. Ягона илдиз таҳлилидан келиб чиққан ҳолда авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) моделини қуидагича ифодалаймиз.

$$\lnmi_t = \varphi_0 + \beta_1 \lnssmt_{t-1} + \beta_2 \Delta \lnsmc_{t-1} + \beta_3 \Delta \lnqmd_{t-1} + \varepsilon_t \quad (1)$$

Бу ерда,

$\lnmi$  – логарифланған фонд бзори индексини ўзгариши;

$\lnssmt$  – логарифланған иккиламчи қимматли қоғозлар бозор айланмасини ўзгариши;

$\Delta \lnsmc$  – логарифланған иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви;

$\Delta \lnqmd$  – логарифланған иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сони;

<sup>71</sup> "Тошкент" РФБ маълумотлари асосида Eviews-9.0 программаси ёрдамида муаллиф томонидан таёrlанган.

Юқоридаги (1) формулага асосан, эконометрик таҳлилимида фонд бозори индексига таъсир қилувчи омилларни таъсири даражасини ARDL моделидан шакллантирамиз. Ушбу шакллантирилган модельнинг натижаларини қуидаги жадвалда ўз аксини топган (2-жадвал).

## 2-жадвал

Авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) моделида баҳолаш<sup>72</sup>

Ўзгарувчилар	ARDL(2, 1, 2, 1)			
	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
$lnmi (-1)$	0.342837	0.113692	3.015496	0.0036**
$lnmi (-2)$	0.281067	0.118326	2.375359	0.0203**
$\lnsmc$	0.096652	0.154940	0.623803	0.5348
$\lnsmc (-1)$	0.298761	0.157956	1.891425	0.0627*
$\lnqmd$	-0.053132	0.301447	-0.176258	0.8606
$\lnqmd (-1)$	0.761669	0.307587	2.476275	0.0157**
$\lnqmd (-2)$	0.450720	0.289814	1.555204	0.1244
$lnssmt$	0.080797	0.033589	2.405443	0.0188**
$lnssmt (-1)$	-0.073650	0.031552	-2.334246	0.0225**
$C$	2.409864	0.793996	3.035110	0.0034**
Моделни мезонлари				
Қолдиқлар квадрати (R)			0.360884	
Ўзгарган қолдиқлар квадрати			0.278712	
F-статистика			4.391809	
Эҳтимоллик (F-статистика)			0.000143***	

\*\*\* 1% да статистик муҳимлигини,

\*\*5% да статистик муҳимлигини,

\*10% да статистик муҳимлигини кўрсатади.


2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ARDL коэффициентларидан “Тошкент” РFBнинг индексига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланган иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви, иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сони ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозор айланмаси таъсирини ўзоқ ва қисқа муддатда таъсири таҳлил қилиган. Бундан кўриниб турибдики, “Тошкент” РFBнинг индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сонининг ўзгаришлари таъсири қилмаслиги кўрсатмоқда. Сабаби, ушбу ўзгарувчиларни коффициентлари тестларини натижасининг ишончлилик даражасини 95 фоизда ишончили эмас ҳисобланади. Қўйилган гипотезада нолинчи гепотеза ( $H_0$ ): фонд бозори индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви таъсири мавжуд, ( $H_1$ ) фонд бозори индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви таъсири мавжуд таъсири мавжуд эмас. Гипотезамизга мувофиқ муқобил гепотезани танлашимиз лозим, сабаби 95 фоиз ишончлиликда фонд бозори индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви таъсири мавжудни инкор этамиз. Шунингдек, иккинчи омилимини ҳисобланган иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сонни ўзгариши ҳам худди шундай гипотезага асосан амалга ошириб, 95 фоиз ишончлиликда фонд бозори индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сонни ўзгариши таъсири мавжудни инкор

<sup>72</sup> “Тошкент” РFB маълумотлари асосида Eviews-9.0 программаси ёрдамида муаллиф томонидан таёrlанган.

этамиз. Шу билан бирга, фондбозорини индексини ўзгаришига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор айланмаси таъсирини гепотезани асосан 95 фоиз ишончлиликда фонд бозори индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор айланмаси таъсири мавжудни қабул қиласиз. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, "Тошкент" РФБнинг индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор айланмасининг ўзгариши ўзоқ ва қисқа муддатли таъсир қилиши кўрсатади. Бироқ, "Тошкент" РФБнинг индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сонининг ўзгаришлари таъсир қиласлиги кўрсатмоқда. Бошқа омиллар ўзгармаган (*ceteris paribus*) ҳолда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг айланмаси бир фоизга ошса, "Тошкент" РФБнинг индекси 1,18 пункга қўтарилишини кўришимиз мумкин. Хусусан, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини айланмаси фонд бозори индексига таъсир даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

Қўлланилган дастур Шварц мезонига асосан тақсимланган лаглар ичидан энг оптимальни автоматик равишда танлагани сабабли, лаглар комбинацияси учун Шварц мезони коэффициентларини кўриб чиқамиз (1- расм).

### Akaike Information Criteria (top 20 models)



Акаике ва Ханна-Квин мезонларидек, Шварц мезонда ҳам энг кичик қийматли модел танланади. 1- расмдан кўриниб турибдики, ARDL лаглар тақсимоти ичida энг кичик қиймати эга бўлгани, яъни энг оптimal модел танлови ARDL(2, 1, 2, 1) комбинацияли тақсимланган лаг бўлиб, шу тақсимот асосида юқоридаги 2-жадвалдаги натижা келиб чиқсан.

Эконометрик таҳлилда мукаммал ва батафсил натижага эришиш учун ARDL моделида қисқа ва узоқ муддатли боғлиқликни текшириш мақсадга мувофиқdir. Қисқа муддатли боғланиш тестини ўтказиш учун эконометрик моделга хатоликни тўғрилаш механизми элементларини қўйиб, қўйидаги кўринишга келтирамиз

$$\ln mi_t = \alpha_0 + \sum_t^p \alpha_1 \ln ssmt_{t-i} + \sum_t^q \alpha_2 \Delta \ln smc_{t-i} + \sum_t^q \alpha_3 \Delta \ln qmd_{t-i} + \gamma ECM_{t-1} + \varepsilon_t c \quad (1)$$

Бу ерда;

$\alpha_0$  – константа,  $\varepsilon_t$  – стандарт хатолик,  $\alpha_1, \dots, \alpha_5$  – қисқа муддатли коэффициенти,  $\beta_1, \dots, \beta_5$  – узоқ муддатли эластиклик,  $ECM$  – хатоликни түғрилаш коеффициенти,  $\gamma$  – ўзгариш тезлиги (ўзгарувчанлик коэффициенти).

### 3-жадвал

#### Коинтеграция боғлиқлик тести<sup>73</sup>

Ўзгарувчилар	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
$\Delta \ln mi (-1)$	-0.281067	0.118326	-2.375359	0.0203**
$\Delta \ln smc$	0.096652	0.154940	0.623803	0.5348
$\Delta \ln qmd$	-0.053132	0.301447	-0.176258	0.8606
$\Delta \ln qmd (-1)$	-0.450720	0.289814	-1.555204	0.1244
$\Delta \ln ssmt$	<b>0.080797</b>	0.033589	2.405443	<b>0.0188**</b>
CointEq(-1)	-0.376096	0.116710	-3.222470	0.0019**
$Cointeq = \ln mi - (1.0514 * \Delta \ln smc + 3.0823 * \Delta \ln qmd + 0.0190 * \Delta \ln ssmt + 6.4076)$				

\*\*\* 1% да статистик муҳимлигини,

\*\*5% да статистик муҳимлигини,

\*10% да статистик муҳимлигини кўрсатади.

2-жадвал маълумотлари асосида коинтеграция шаклида қисқа муддатли боғлиқлик тести амалга оширганимизда. Хатоликлар түғриланганидан сўнг, “Тошкент” РФБнинг индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сонининг ўзгаришлари таъсир қилмас кўрсатади. Бироқ, фонд бозори индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг айланмасини ўзгариши ижобий таъсир кўрсатади. Чунки, гипотеза текширувига асосан иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг айланмаси коэффициенти эҳтимоллик қиймати 0.0188 ни ташкил қилиб, ижобий аҳамиятга эга. Шунингдек, мазкур коэффициентни ишончлилик даражаси 95 фоиз аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, Хатоликни түғрилаш коеффициенти CointEq(-1)ни эҳтимоллик қиймати 0.0019 ни ташкил қилиб, коэффициенти ишончлилик даражаси 99 фоизни ташкил этади. Хатоликни түғрилаш коеффициенти шуни англатадики, узоқ муддатлидан қисқа муддатли четланишни ҳар чоракда 99 фоиз түғирланишини кўрсатади. CointEq(-1) коэффициентини -0.376096 ни ташкил этиши, узоқ муддатлидан қисқа муддатли четланишни 37 фоизи түғирланишини кўрсатади. Қисқа муддатли боғлиқлик тести шуни кўрсатадики, “Тошкент” РФБнинг индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг айланмасини қисқа муддатли боғланишга эга эканлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, “Тошкент” РФБнинг индексига иккиламчи қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви, иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сони ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг айланмасини узоқ муддатли боғланишга эка эканлигини қуйидаги жадвалда кўрсатилган (4-жадвал).

<sup>73</sup> “Тошкент” РФБ маълумотлари асосида Eviews-9.0 программаси ёрдамида муаллиф томонидан таёrlанган.

## 4-жадвал

Узоқ муддатли боғлиқлик тести<sup>74</sup>

Ўзгарувчилар	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
$\Delta \lnsmc$	1.051363	0.757451	1.388027	0.1695
$\lnqmd$	3.082345	2.157148	1.428898	0.1575
$\lnssmt$	0.019003	0.085123	0.223243	0.0240**
$C$	6.407583	0.340045	18.843331	0.0000***

\*\*\* 1% да статистик муҳимлигини,

\*\*5% да статистик муҳимлигини,

\*10% да статистик муҳимлигини кўрсатади.

4-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, узоқ муддатли боғлиқлик тести эса, омилларнинг таъсирини бир мунча ўзгаришини кўрсатди. Жумладан, фонд бозори индексига иккиласми қимматли қоғозлар бозорининг айланмасини ўзгариши ижобий таъсири қилиб, статистик муҳим ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларнинг коэффициенти статистик аҳамиятли бўлиб, мазкур коэффициетлар таъсирини ишончлилик даражаси 95 фоизни ташкил этади. Қолган ўзгарувчилар ҳисобланган иккиласми қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви ва иккиласми қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сони коэффициентлари статистик аҳамиятли ҳисобланмайди. Узоқ муддатли боғлиқлик тести шуни кўрсатдики, фонд бозори индексига қийматига иккиласми қимматли қоғозлар бозорининг айланмасини ўзгариши узоқ муддат таъсири қилишни кўрсатади. Бирок, фонд бозори индексига қийматига иккиласми қимматли қоғозлар бозор капиталлашуви ва иккиласми қимматли қоғозлар бозоридаги битимлар сони ўзгариши узоқ муддат боғланиш мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Танлаган ўзгарувчилар ўртасида қисқа ва узоқ муддатли боғланиши чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида ARDL боғлиқлик (bounds test) тестини амалга оширамиз. Унга асосан, гипотеза текширишни амалга оширамиз. Гипотезани текширишни қўйдагича амалга оширамиз: нолинчи гепотеза ( $H_0$ ): узоқ муддатли боғланиш мавжуд эмас, ( $H_1$ ) узоқ муддатли боғланиш мавжуд. ARDL боғлиқлик (bounds test) тестини қўйидаги жадвалда акс эттирилган (5-жадвал).

## 5-жадвал

ARDL боғлиқлик (bounds test) тести. Нолинчи гепотеза ( $H_0$ ):узоқ муддатли боғланиш мавжуд эмас<sup>75</sup>

Статистик тест	Қиймати	К
F-статистика	4.214573*	3
боғлиқликни муҳим қиймати		
муҳимлик даражаси	I(0) боғлиқлик (bound)	I(1) боғлиқлик (bound)
10%	2.72	3.77
5%	3.23	4.35
2,5%	3.69	4.89
1%	4.29	5.61

\*\*\* 1% да статистик муҳимлигини,

\*\*5% да статистик муҳимлигини,


\*10% да статистик муҳимлигини кўрсатади.

<sup>74</sup> “Тошкент” РФБ маълумотлари асосида Eviews-9.0 программаси ёрдамида муаллиф томонидан таёrlанган.

<sup>75</sup>“Тошкент” РФБ маълумотлари асосида Eviews-9.0 программаси ёрдамида муаллиф томонидан таёrlанган.

5-жадвалдаги тест натижалари шуни күрсатады, ўзгарувчилар ўртаси ўзоқ муддатли боғланиш мавжудлигини күрсатады. Боғлиқлик (bounds test) тести F-статистика 4.214573 ни ташкил этган бўлса, боғлиқлик қийматини статистик муҳимлиги 10% дан юқорилиги эканлиги эркисиз ўзгарувчи  $Inmi$  билан эркли ўзгарувчилар бўлмиш  $Inssmt$ ,  $Insmc$  ва  $Inqmd$  узоқ муддатли боғланиш борлиги мавжуд. Чунки, гипотеза текшируви шуни күрсатдик, ( $H_0$ ): узоқ муддатли боғланиш мавжуд эмаслигини рад этиб, ( $H_1$ ) узоқ муддатли боғланиш мавжуд гипотезасини қабул қилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, эркисиз ва эркли ўзгарувчилар ўртасида узоқ муддатли коинтеграция мавжудлигини күрсатади.

Эркли ўзгарувчи ҳисобланган фонд бозорини индекси ( $mi$ ) ва эркисиз ўзгарувчиларни эса, иккиласмчи қимматли қофозлар бозор капиталлашуви ( $smc$ ), иккиласмчи қимматли қофозлар бозоридаги битимлар сони ( $qmd$ ) ва иккиласмчи қимматли қофозлар бозор айланмаси ( $ssmt$ ) шакллантирилган ARDL моделини мустаҳкамлигини текшириш учун қолдиқларни CUSUM тестини амалга оширамиз (2-расм).



### Хуласа ва таклифлар.

Хуласа қилиб шуни айтиш мумкинки, авторегрессив тақсимланган лаг (ARDL) моделида олиб борилган чуқур эконометрик таҳлил натижаси эркли ўзгарувчи ҳисобланган фонд бозорини индекси, эркисиз ўзгарувчиларни эса, иккиласмчи қимматли қофозлар бозор капиталлашуви, иккиласмчи қимматли қофозлар бозоридаги битимлар сони ва иккиласмчи қимматли қофозлар бозор айланмаси таъсири даражасини эконометрик таҳлил асосисида амалга ошиrimiz натижасида шуни күрсатди. Фонд бозори индексига қийматига иккиласмчи қимматли қофозлар бозор капиталлашуви ва иккиласмчи қимматли қофозлар бозоридаги битимлар сони ўзгариши қисқа ва узоқ муддат боғланиш мавжуд эмаслигини, бироқ фонд бозори индексига қийматига иккиласмчи қимматли қофозлар бозорининг айланмасини ўзгариши қисқа ва узоқ муддат таъсир қилишни күрсатади. Бошқа омиллар ўзгармаган (ceteris paribus) ҳолда иккиласмчи қимматли қофозлар бозорининг айланмаси бир фоизга ошса, "Тошкент" РРБнинг индекси 1,18 пункга кўтарилишини кўришимиз мумкин. Хусусан, иккиласмчи қимматли қофозлар бозорини айланмаси фонд бозори индексига таъсир даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

Таклиф қилиб шуни атиш жоизки, фонд бозорини индексини ўзгариши иккиласмчи қимматли қофозлар савдоси инобатга олиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда иккиласмчи оммавий қимматли қофозлар (SPO) амалга ошириш лозимдир.

**Адабиётлар / Литература / References:**

- Dickey, D. A.; Fuller, W. A. (1979). "Distribution of the Estimators for Autoregressive Time Series with a Unit Root". *Journal of the American Statistical Association*. 74 (366): 427–431.
- Johansen S. and Juselius K., (1990) Maximum Likelihood Estimation and Inference on Cointegration-With Applications to the Demand for Money. *Oxford Bulletin of Economics and Statistics*, 52(2), , 169-210.
- Pesaran M.H., Smith R.J. and Shin Y., (2001) Bounds Testing Approaches to the Analysis of Level Relationships, *Journal of Applied Econometrics*, 16, 289-326.
- Pesaran M.H., Smith R.J., and Shin Y., (1996) Testing for the Existence of a long run Relationship, *DAE Working paper No.9622, Department of Applied Economics, University of Cambridge*.
- Phillips, P.C.B.; Perron,P. (1988). "Testing for a Unit Root in Time Series Regression". *Biometrika*. 75 (2): 335–346.